*Адл ила олам юзин обод қил*

# Куч-адолатда

2020 йил
31 октябрь,
шанба
№ 41 (814)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси ● http://www.sud.uz ● 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИ: ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 30 октябрь куни мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.**

Давлатимиз раҳбари Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан соҳа вакилларига йўллаган табрик нутқида таъкидлаганидек, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбиядир.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда таълим тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш мақсадларига катта куч ва маблағлар йўналтирилмоқда. Мактабгача таълим, мактаб ва олий таълим тизимлари, илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятида сифат ўзгаришлари рўй бермоқда.

— Биз устозни отадай улуғ деб билган, доимо ардоқлаган маърифатпарвар халқнинг вакилларимиз. Мен ҳам ўқитувчи, муаллим деганда ўзим учун энг азиз ва ҳурматли бўлган, зиёли ва замонавий, самимий ва меҳрибон инсонларни тасаввур қиламан. Чунки ҳаммамизга ҳам шу муаллим сабоқ ва таълим бериб, меҳрибон ота-оналаримиз қаторида тарбиялаган, — деди давлат раҳбари йиғилиш аввалида. — Бугунги кунда Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври пойдеворини яратяпмиз. Бунда бизнинг энг яқин кўмакчиларимиз устоз ва мураббийлар, илмий ва ижодкор зиёлилардир.

Ҳар бир оила, ҳар бир бола ҳаёти мактаб билан боғлангани, бу масала давлатнинг, жамиятнинг энг муҳим иши экани таъкидланди.

— Ҳаммамиз азиз фарзандларимиз ҳаёти ва тақдирини ўқитувчи ва мураббийларга ишониб топширамиз. Мана шундай беқиёс бойлик посбонлари, келажак бунёдкорлари бўлган бу мўътабар зотларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатишимиз керак, — деди Президент.

Йиғилишда бугунги модернизация жараёнлари, ислоҳот ва ўзгаришлар натижадорлиги мактаб таълимига, янги авлод кадрларини етиштириш масаласига бориб тақалаётгани қайд этилди. Шу боис мактаб директорлари ва муаллимларга кўп нарса боғлиқ. Улар қишлоқ ва шаҳарларда таълим-тарбия, маданият ва маънавият тарқатадиган фидойи кишилардир. Мактаблар нафақат таълим маскани, балки маҳалланинг маданий, интеллектуал маркази бўлиши зарур.

Маълумки, мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш мақсадида Президент фармони лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжат regulation.gov.uz порталига қўйилиб, барча ҳудудларда, маҳаллий кенгашларда ва мактаб жамоаларида ота-оналар иштирокида кенг муҳокама қилинди.

Фармон лойиҳасида таълимдаги ҳозирги муаммоларни ҳал қиладиган, яқин беш йилда натижасини кўрсатадиган ва кейинги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган мақсадлар қамраб олинган.

(Давоми 2-бетда) ▶

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШИМОЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИККИНЧИ ХАЛҚАРО ФОРУМИДАГИ НУТҚИ

**Муҳтарам Раис жаноблари!**
**Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!**
**Форум иштирокчилари!**
**Хонимлар ва жаноблар!**

Шимолий иқтисодий ҳамкорлик иккинчи халқаро форумининг барча иштирокчиларини қутлаш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин Жаноби Олийларига коронавирус оқибатларини биргаликда енгиб ўтиш ва шериклигимизни кенгайтириш масалаларига бағишланган ушбу муҳим тадбирда иштирок этиш таклифи учун миннатдорлик билдираман.

Жаҳондаги мушкул вазият ва глобал инқироз шароитида айнан шундай кўп томонлама мулоқот янги хатар ва таҳдидларга самарали қарши туриш учун имконият яратиб, мамлакатларимиз барқарорлиги, фаровонлиги ва изчил тараққиётини таъминлашга хизмат қилади.

**Ҳурматли форум иштирокчилари!**

Биз Ўзбекистонда Корея Республикаси Президентининг кенг Евроосиё маконида хавфсизликни таъминлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган "Янги шимолий сиёсати"ни юксак баҳолаймиз.

Минтақавий сиёсатнинг энг муҳим жиҳатлари ва ҳамкорлигимиз истиқболларига қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

**Биринчидан.** COVID-19нинг глобал миқёсда тарқалиши минтақа давлатлари ўртасида яқин мувофиқлашув ва кенг халқаро ҳамкорлик бўлиши зарурлигини кўрсатди.

Кореялик ва бошқа шерикларимизни Ўзбекистонда ушбу касалликка қарши курашишда кўрсатилган кўмак учун миннатдорлик билдираман.

Биргаликдаги ишларни қуйидаги йўналишларда давом эттиришни таклиф этаман:

— Корея компаниялари билан биргаликда ташкил этилаётган фармацевтика кластери негизида самарали вакцина ва зардоблар, касалликларни тез ва аниқ ташхислаш тизимларини ишлаб чиқиш;

— замонавий лабораториялар ташкил этиш ва чегараларимиздаги санитария назорати пунктларини модернизация қилиш;

— Корея Республикасининг етакчи олий таълим муассасалари иштирокида эпидемиолог ва вирусолог врачларни тайёрлаш;

— тиббий чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналарини ташкил этиш;

— минтақада эпидемиологик вазиятни мониторинг қилиш ва барвақт прогнозлаштиришнинг интеграциялашган тизимини жорий этиш.

**Иккинчидан.** Биз Корея Республикасини мамлакатимизга рақамли ва "яшил" технологияларни келтиришда асосий ҳамкорлардан бири деб биламиз.

Бугунги кунда Кореянинг етакчи компания ва банклари иштирокида Ўзбекистонда юқори технологик тармоқларда ўнлаб йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Биз кореялик инвесторлар фаолиятини бундан буён ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз ва рағбатлантирамиз.

Шунингдек, Сеул шаҳрида бўлиб ўтадиган "Яшил" тараққиёт ва 2030 йилга қадар глобал мақсадлар учун шериклик халқаро саммитида фаол иштирок этишга тайёрмиз.

**Учинчидан.** "Янги шимолий сиёсат"нинг изчил амалга оширилиши самарали минтақавий транспорт йўлакларини ривожлантиришнинг долзарб аҳамиятини кўрсатмоқда.

Бу борада сўз юритилганда, аввало, Транссибирь магистрали ва "Ғарбий Европа - Ғарбий Хитой" йўлаги маршрутларини минтақамиздаги янги темир йўллар қуриш лойиҳалари билан ўзаро боғлаш зарурлигини қайд этиш лозим.

Бундай шароитда Корея яримороли Тинч океани минтақасини Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари билан боғлайдиган ғоятда муҳим коммуникация кўприги бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ушбу ноёб имкониятларни экспертлар даражасида кўриб чиқишни таклиф этамиз.

**Тўртинчидан.** Шериклигимизни мустаҳкамлашда "Марказий Осиё — Корея Республикаси" форуми муҳим роль ўйнайди.

Унинг доирасида янги ташаббус ва лойиҳалар амалга оширилмоқда, инвестициялар, инновациялар, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик кенгайиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда) ▶

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Мун Чже Иннинг таклифига биноан 30 октябрь куни Сеул шаҳрида видеоанжуман шаклида ўтган Шимолий иқтисодий ҳамкорлик иккинчи халқаро форумида иштирок этди ва нутқ сўзлади.**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШИМОЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ХАЛҚАРО ФОРУМИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Таъкидлаш жоизки, ушбу тадбир Президент Мун Чже Ин ташаббуси билан ўтказилган бўлиб, бу гал унинг ишида Қозоғистон, Туркманистон ва Мўғулистон етакчилари ҳам иштирок этди.

Кун тартибига мувофиқ, коронавирус инфекцияси глобал миқёсда тарқалишининг салбий оқибатларига қарши биргаликда курашиш ва саъй-ҳаракатларни яқиндан мувофиқлаштириш ҳамда кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида жаҳондаги мушкул вазият ва глобал инқироз шароитида айнан шундай кўп томонлама мулоқот янги хатар ва таҳдидларга самарали қарши туриш учун имконият яратиб, мамлакатларимиз барқарорлиги, фаровонлиги ва изчил тараққиётини таъминлашга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда) ▶

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ОЛИЙ СУДЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ XV ЙИҒИЛИШИ




*30 октябрь куни Олий суд раиси К. Комилов раҳбарлигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) га аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг Қозоғистон Республикаси раислигида видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган ўн бешинчи йиғилишида иштирок этди.*

Йиғилишда Ҳиндистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий судлари раислари ва судьялари, кузатувчи мамлакатлар — Афғонистон Ислом Республикаси, Беларусь Республикаси, Эрон Ислом Республикаси, Монголия Олий судлари раислари, шунингдек, ШҲТ Бош котиби В. Норов ва ЕХҲТнинг одам савдоси билан кураш бўйича махсус вакили ва координатори В. Ричи қатнашди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда пул-кредит, валюта, солиқ ва ташқи савдо сиёсати соҳаларида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай шароитлар яратиш ва инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, экспертларнинг баҳолашлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилаётган сўровлар иқтисодиётдаги яширин айланманинг, айниқса, савдо ва умумий овқатланиш, автотранспортда ташиш, уй-жой қурилиши ва таъмирлаш, тураржой хизматларини кўрсатиш каби соҳаларда юқори даражада сақланиб қолаётганлигидан далолат беради, бу эса виждонли тадбиркорларнинг иқтисодий манфаатларига путур етказмоқда, улар учун тенг бўлмаган бизнес юритиш шартларини юзага келтирмоқда.

Мамлакатимизда яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун, шу жумладан тартибга солиш ва маъмурий юкни камайтириш ҳисобига тенг рақобат шароитларини яратиш, солиқ қонунчилиги талабларига риоя қилиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш ва унинг тартибини соддалаштириш мақсадида:

1. Белгилансинки, **2021 йил 1 январдан:**

а) **2022 йил 1 январгача бўлган муддатга умумий овқатланиш соҳасидаги кичик тадбиркорлик субъектларининг** банк карталари ва контактсиз тўловлардан фойдаланган ҳолда жисмоний шахслардан олинган даромадлари умум белгиланган солиқларни тўлашга мажбурий тартибда ўтиш мақсадида умумий даромадга киритилмаслиги тартиби жорий этилади;

б) риэлторлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар учун айланмадан олинадиган солиқ ставкаси **25 фоиздан 13 фоизгача** пасайтирилади;

в) қурилиш корхоналарига ҳисобот даври учун меҳнатга ҳақ тўлаш фонди жами миқдорининг 10 фоизидан ошмаган ҳажмда (ижтимоий солиқ суммасини ҳисобга олмаганда) иш ҳақини нақд пулда тўлаш ҳуқуқи билан шартнома тузмасдан муддатли равишда ишчилар ёллашга рухсат берилади. Бунда:

қурилиш ташкилотлари белгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқнинг тўланишини таъминлайди, шунингдек, ҳар ойда шартнома тузмасдан ёлланган ишчиларга тўланган нақд пул миқдорини кўрсатган ҳолда уларнинг реестрини давлат солиқ хизмати органларига тақдим қилиб боради;

давлат солиқ хизмати органлари қурилиш ташкилотлари томонидан тақдим этилган реестрлар асосида солиқ тўловчиларни автоматик равишда идентификация қилади ва тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ҳисобга олинишини таъминлайди.

Белгилансинки, шартнома тузмасдан ишга ёлланган шахсларга ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар рўй берган тақдирда ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишни назарда тутувчи қонун ҳужжатлари нормалари татбиқ этилади.

2. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

хўжалик юритувчи субъектларга корпоратив банк карталаридан фойдаланган ҳолда товарларни (хизматларни) шартнома тузмасдан сотиб олишга рухсат берилади, бироқ бунда электрон счёт-фактуралар ёки онлайн-касса машиналарининг чеклари мажбурий равишда олиниши шарт;

2022 йил 1 январгача шундай тартиб ўрнатилганки, унга мувофиқ, давлат солиқ хизмати органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ аудити тайинланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилади;

сайёр солиқ текширувлари давлат солиқ хизмати органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилган ҳолда амалга оширилади.

Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда солиқ текширувларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда унинг тартиб-таомилларини тубдан соддалаштириш, шунингдек, текширувни амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини оширишни кўзда тутган ҳолда солиқ текширувларини ўтказиш тартибини белгилаш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. **Яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича махсус комиссия** (кейинги ўринларда — Махсус комиссия) 1-иловага мувофиқ таркибда, **яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича ҳудудий комиссиялар** (кейинги ўринларда — ҳудудий комиссиялар) 2-иловага мувофиқ намунавий таркибда ташкил этилсин.

Яширин иқтисодиётга қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шу жумладан қуйидагилар **Махсус комиссиянинг асосий вазифаси** этиб белгилансин:

бизнеснинг "соядан" чиқишини рағбатлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, солиқ режимини соддалаштириш ҳамда нақдсиз тўловларни кенгайтириш чораларини кўриш;

қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шаклланган бизнес юритиш амалиётига мослаштириш;

солиқ ва божхона маъмуриятчилиги воситалари ҳисоб ва тушумларнинг тўлиқлигига, шу жумладан солиқлардан бўйин товлаган жисмоний ва юридик шахсларни аниқлаш ва жавобгарликка тортишга қаратилишини таъминлаш;

яширин иқтисодиётга қарши курашиш фаолиятини "пулни ювиш"га қарши курашиш соҳасидаги ташкилотлар фаолияти билан мувофиқлаштириш;

очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, яширин иқтисодиётга қарши курашишга кенг жамоатчиликни, оммавий ахборот воситаларини жалб қилиш, жамиятда яширин иқтисодиётга муросасизлик ҳиссини шакллантириш, легал бизнес юритишнинг нуфузини ошириш.

4. Жойларда қуйидаги тадбирларни мувофиқлаштириш ҳудудий комиссияларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тадбиркорларга фаолиятини қонунийлаштиришда ва зарур рухсатномаларни олишда ёрдам бериш, шунингдек, улар билан профилактика ишларини олиб бориш;

яширин иқтисодиётнинг шаклланишига олиб келадиган сабаблар ва омилларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

ноқонуний олиб кирилган ёки контрафакт товарларни, шунингдек, юк ташиш ҳужжатларисиз мамлакат ичида ҳаракатланаётган товарларни сотишга қарши курашиш;

биринчи навбатда акцизости маҳсулотларни ноқонуний ишлаб чиқариш, сотиш ва сақлаш ҳолатларини аниқлаш орқали давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва даромадларни яширишнинг олдини олиш;

(Давоми 3-бетда) ▶

**Бугунги глобал масала — коронавирус инфекцияси нафақат мамлакатимиз аҳолиси, балки бутун инсоният ҳамжамиятига жиддий хавф солмоқда. Давлатимиз томонидан бу хатарни ҳар томонлама ҳамда тезроқ бартараф этиш мақсадида барча зарур чоралар кўрилмоқда.**

*Янги қонун моҳияти*

## Янги қонун: санитария-эпидемиология назорати марказларининг иш юкламасини енгиллаштиришга қаратилган

Шу билан бирга, Ўзбекистонда ушбу инфекция билан кунлик зарарланиш ҳолатлари аниқланаётгани тегишли чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Бу, ўз навбатида, миллий қонунчилик базасини такомиллаштириш зарурати юзага келтирмоқда.

Маълумки, фуқаролар белгиланган ҳар қандай тартиб, қоида ҳамда хавф-хатарнинг олдини олишга йўналтирилган комплекс чораларга риоя қилмаслик ёхуд уларни бузганлик учун тегишли жавобгарлик белгиланган. Аммо бунинг учун жазо қўллаш фақат қонун билан белгиланган нормаларга асосан амалга оширилади.

Бу ҳақда сўз борганда, Олий Мажлис Сенатининг саккизинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган **"Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонун 2020 йил 27 октябрда матбуотда эълон қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

(Давоми 3-бетда) ▶

# ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИ: ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Жумладан, жамиятда муаллимнинг обрў-эътибори ва мақомини кўтариш, ўқув дастурлари ва методикасини тўлиқ қайта кўриб чиқиш, мактабни таълимнинг кейинги босқичлари билан узвий боғлаш, ўқитувчиларни ортиқча қоғозбозликдан халос этиб, ўз устида кўпроқ ишлаши учун шароит яратиш ва шуни рағбатлантириш, мактаб инфратузилмаси ва ундаги маънавий муҳитни яхшилаш каби масалаларнинг ечимлари аниқ белгилаб берилмоқда.

Энг асосийси, жойлардаги раҳбарларнинг, шунингдек, маҳаллий кенгашларнинг ушбу муҳим масалага ёндашуви ва эътиборини тубдан ўзгартириш, уларнинг масъулияти, жавобгарлиги ва ҳисобдорлиги механизмлари киритилмоқда.

Видеоселектор йиғилишида таълим соҳасидаги муаммолар, уларни ҳал этиш, таълим сифатини оширишга оид вазифалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари аввало мактабларда ўқув юкламаси ва дарслар сонини қайта кўриб чиқиш, ўқувчиларни фақат ёдлашга эмас, балки фикрлашга чорлайдиган методика яратиш зарурлигини таъкидлади.

Бу борада Финляндия тажрибаси мисол қилиб келтирилди. Ушбу мамлакат умумий саводхонлик, табиий фанлар ва математика бўйича дунёда энг илғорлардан бири.

— Мактабда ўқитиш методикаси ўзгармаса, таълим сифати ҳам, мазмуни ҳам, муҳит ҳам ўзгармайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Дунёдаги замонавий ўқув дастурлари, ўқитиш методикаларини ўрганиб, юртимиз умумтаълим мактабларида жорий қилиш муҳимлиги таъкидланди. Халқ таълими вазирлигига ушбу тажриба асосида Миллий ўқув дастурини ишлаб чиқиб, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб таълим жараёнига синов тариқасида татбиқ этиш вазифаси қўйилди.

Янги методикани самарали йўлга қўйиш учун барча мактаб ўқитувчилари видеоалоқа орқали хорижий мутахассислар иштирокида ўқитилади. Энг муҳими, бу жараёнларга педагогика йўналишидаги университет ва институтлар ҳам жалб қилиниб, педагог кадрлар тайёрлаш методикаси ҳам янгиланади. Шунингдек, математика, физика, кимё, биология ва информатика фанлари бўйича чет эллардаги илғор дарсликлар чуқур ўрганиб чиқилади.

Мактабларни таъмирлаш, ободонлаштириш, иситиш каби хўжалик масалаларига ҳокимлар шахсан масъул экани эслатиб ўтилди. Шунингдек, олий ўқув юртига кира олмаган битирувчиларни муайян касб-ҳунар ёки тадбиркорликка жалб этиш муҳим.

Шу боис келгуси йилдан бошлаб 7-синфдан ўғил-қизларнинг касбга қизиқишларини аниқлаш ва босқичма-босқич касбга йўналтириш амалиёти жорий қилиниши белгиланди. Ҳудуддаги саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш корхоналари мактабларга бириктирилади.

Ҳар бир мактаб рейтингини ҳамда шу асосда таълим сифати бўйича туман, шаҳар ва вилоятлар рейтингини ишлаб чиқиш зарурлиги айтилди. Рейтинг натижаларига қараб, мактаб директорлари ва ўринбосарлари, ўқитувчилар, ҳокимлар ва уларнинг таълим бўйича маслаҳатчилари фаолиятига баҳо берилади.

Рейтингда биринчи бешликка кирган мактаб директорларига маҳаллий бюджетдан устама тўланади. Хусусан, мактаб директорлари ва уларнинг ўринбосарларига меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 3 бараваридан 12 бараваригача рағбатлантирувчи тўловлар берилади. Шу билан бирга, халқ таълими бўлими раҳбари ва методисти, мактаб директорлари, туман рейтингида биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган мактабларнинг 2 нафар илғор ўқитувчисига касаба уюшмалари ҳисобидан ҳар йили сиҳатгоҳларга икки ҳафталик бепул йўлланма берилади. Шунингдек, фидойи педагоглар бошқа йўллар билан ҳам рағбатлантирилади.

Йиғилишда педагог кадрлар малакасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда педагоглар ҳар 5 йилда, раҳбар кадрлар эса ҳар 3 йилда малака оширмоқда. Лекин бу тўла қамров учун етарли эмас. Жорий йилда Сирдарё вилоятида 11 минг нафар мактаб ўқитувчиларининг барчаси синов тариқасида масофавий малака ошириш курслари билан қамраб олинмоқда.

Келгуси йили Бухоро, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида малака ошириш бўйича масофадан ўқитиш ташкил этилади. Тошкент давлат педагогика университети педагог кадрлар малакасини оширишда республикада етакчи олийгоҳ этиб белгиланади. Авлоний номидаги малака ошириш институти эса таълим муаммоларини чуқур ўрганадиган илмий-тадқиқот даргоҳи бўлади.

Ўқитувчилар тоифасини белгилаш тартибини ҳам тубдан қайта кўриб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

Бугунги кунда халқ таълими тизимида меҳнат қилаётган 490 мингдан зиёд педагогларнинг 4 фоизи олий, 15 фоизи биринчи тоифага эга. 4 босқичдан иборат амалдаги аттестация тизимида қоғозбозлик ҳанузгача сақланиб қолган.

Шу боис мутасаддиларга тоифа бериш тартибини соддалаштириш, педагоглар билимини йил давомида баҳолаш имконини берувчи 2 босқичли тизимга ўтиш бўйича кўрсатма берилди.

Яна бир муаммо — таълим сифати пастлиги, моддий-техника базаси етарли бўлмагани сабабли айрим мактаблар тўлиқ қувватда ишламаяпти. Масалан, Тошкент шаҳридаги 32 та мактабда ўқувчиларни қамраб олиш даражаси паст.

Мамлакатимизда хусусий таълим муассасаларига кенг шароит яратилаётгани боис келгуси йилдан эксперимент тариқасида кам қувватда ишлаётган мактабларни танлов асосида салоҳиятли талабгорларга ишончли бошқарувга бериш таклифи билдирилди.

Мактабларда замонавий бошқарувни жорий қилиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Энди мактаб директорларини лавозимга тайинлаш бевосита маҳаллий кенгашлар билан келишилган ҳолда, танлов асосида амалга оширилади. Ҳар бир номзод мактабнинг кўрсаткичларини келгуси 3 йилда юқори даражага олиб чиқиш бўйича ўз дастури билан танловда иштирок этади ва ҳар йили кенгашлар олдида ҳисобот беради.

Бундан асосий мақсад — мактабларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш, директорлар ишига ноқонуний аралашувлар ва кадрлар қўнимсизлигига барҳам бериш.

Мактаблар билим билан бирга тарбия, маънавият маскани ҳамдир. Давлатимиз раҳбари бу ишларга ҳудудларда яшаб, ижод қилаётган шоир ва ёзувчиларни кенг жалб қилиш, мактабларнинг директор жамғармасидан ва маҳаллий бюджет маблағларидан уларга ойлик маош тўлаш лозимлигини таъкидлади.

Олий таълим соҳасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва қамровни ошириш, ҳар бир ҳудудда камида биттадан нодавлат олий билим юрти ташкил қилиш муҳимлиги қайд этилди.

— Бугун кўриб чиқилган масалалар ҳаммадан, мактаб директоридан бошлаб Бош вазиргача бўлган барча бўғиндаги раҳбарлардан юксак масъулият ва юқори даражадаги жавобгарликни талаб қилади. Бу — йиллар давомида кўринмайдиган, аммо натижаси яқин 10-15 йилда бутун мамлакат қиёфасини тубдан ўзгартиришга асос бўладиган қудратли манба, — деди Президент.

Парламент вакиллари, шунингдек, жойлардаги маҳаллий кенгаш депутатларидан таълим тизимидаги ўзгаришларни халқимизга етказиб, дахлдорлик ҳиссини ошириш, фармон қабул қилингач, ижросини назоратга олиш, ўз тажрибалари билан амалий ёрдам бериш сўралди.

Йиғилишда ҳокимлар, олий таълим муассасалари ректорлари, мактаб директорлари, педагоглар таълим-тарбия сифатини оширишга оид фикр-мулоҳазаларини билдирди.

**ЎзА**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШИМОЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИККИНЧИ ХАЛҚАРО ФОРУМИДАГИ НУТҚИ

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Шу билан бирга, бугунги кунда ҳамкорлигимизни янги, янада юқори босқичга олиб чиқиш ҳамда Форум йиғилишини давлатларимиз ҳукуматлари раҳбарлари иштирокида ўтказишга объектив зарурат сезилмоқда.

Ишончим комил, биргаликда "Марказий Осиё - Корея Республикаси" форумини устувор дастур ва лойиҳаларни илгари суришнинг таъсирчан механизмига айлантирамиз.

**Бешинчидан.** Президент Мун Чже Иннинг Корея яриморолида мустаҳкам тинчликка эришиш борасидаги фаол саъй-ҳаракатларини Ўзбекистон ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди ҳамда уларга минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашга муҳим ҳисса сифатида қарайди.

Биз Марказий Осиёда ядровий қуролдан холи ҳудуд яратиш борасида ноёб тажриба тўпладик.

Ўзбекистон ташаббуси билан илгари сурилган тегишли шартнома иштирокчилар ўртасида мураккаб келишиш жараёнидан ўтиб, энг йирик ядровий давлатларнинг зарур кафолатларини олган.

Бугунги кунда ушбу шартнома Марказий Осиёда ядровий хавфсизликни таъминлашнинг самарали сиёсий-ҳуқуқий механизми ҳисобланади.

Кенг тажриба алмашиш мақсадида Ядровий қуролсизланиш, ядровий қуролдан холи ҳудудлар яратиш масалалари бўйича халқаро экспертлик форумини ўтказишни таклиф этамиз.

**Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!**

Корея Республикаси Ўзбекистон Республикасининг алоҳида аҳамиятга эга, ишончли стратегик шеригидир.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатик, савдо ва маданий алоқалар бир неча минг йиллик тарихга эга.

Дўстлигимиз халқларимизнинг ўхшаш менталитети, миллий қадрият ва анъаналарига асосланган.

Ўзбекистондаги кўп сонли корейс диаспораси бузилмас ришталаримизни мустаҳкамлаб турувчи муҳим омилдир.

Бу фуқароларимиз мамлакат ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Сўзим якунида яна бир бор ишонч билан айтмоқчиман: бугунги форум мамлакатларимизнинг узоқ муддатли ва серқирра ҳамкорлигини бутун минтақа тинчлиги ва равнақи йўлида ривожлантириш учун янги истиқболлар очиб беради.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШИМОЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ХАЛҚАРО ФОРУМИДА ИШТИРОК ЭТДИ

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти халқаро сиёсатнинг энг муҳим жиҳатлари ва минтақавий ҳамкорлик истиқболларига тўхталиб ўтди.

Хусусан, COVID-19га қарши курашиш учун яқин мувофиқлашув ва кенг халқаро ҳамкорлик зарурлиги қайд этилди.

Муҳим йўналишларда, шу жумладан, Корея компаниялари билан биргаликда ташкил этилаётган фармацевтика кластери негизида самарали вакцина ва зардоблар, касалликларни тез ва аниқ ташхислаш тизимларини ишлаб чиқиш бўйича биргаликдаги ишларни давом эттириш таклифи билдирилди.

Бундан ташқари, замонавий лабораториялар яратиш ва чегаралардаги санитария назорати пунктларини модернизация қилиш, юқори малакали врачларни тайёрлаш, тиббий чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналарини ташкил этиш, минтақада эпидемиологик вазиятни мониторинг қилиш ва барвақт прогнозлаштиришнинг интеграциялашган тизимини жорий этиш муҳимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Корея Республикасини мамлакатимизга рақамли ва "яшил" технологияларни келтиришда асосий ҳамкорлардан бири деб билишини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон келгуси йилда Сеул шаҳрида бўлиб ўтадиган "Яшил" тараққиёт ва 2030 йилга қадар глобал мақсадлар учун шериклик халқаро саммитида фаол иштирок этиши маълум қилинди.

Самарали минтақавий транспорт йўлакларини ривожлантириш алоҳида долзарб аҳамиятга эга экани таъкидланди. Бу борада сўз юритилганда, аввало, Транссибирь магистрали ва "Ғарбий Европа — Ғарбий Хитой" йўлаги маршрутларини минтақамизда янги темир йўллар қуриш лойиҳалари билан ўзаро боғлаш зарурлигини қайд этиш лозим.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари ушбу ноёб лойиҳаларни амалга ошириш масаласини экспертлар даражасида кўриб чиқишни бошлаш таклифини илгари сурди.

"Марказий Осиё - Корея Республикаси" форуми доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу формат доирасидаги шерикликни янги, янада юқори босқичга олиб чиқиш ҳамда форум йиғилишини ҳукумат раҳбарлари иштирокида ўтказишга объектив зарурат сезилаётгани қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Президент Мун Чже Иннинг Корея яриморолидаги мустаҳкам тинчликка эришиш борасидаги фаол саъй-ҳаракатларини минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашга муҳим ҳисса сифатида қўллаб-қувватлашини алоҳида таъкидлади.

Кенг тажриба алмашиш мақсадида Ядровий қуролсизланиш, ядровий қуролдан холи ҳудудлар яратиш масалалари бўйича халқаро экспертлик форумини ўтказиш таклиф этилди.

Нутқини якунлар экан, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Жанубий Корея алоҳида аҳамиятга эга, ишончли стратегик шериклар эканини, муносабатларимиз бир неча минг йиллик тарихга эгалигини таъкидлади. Ушбу форум мамлакатларимизнинг узоқ муддатли ва серқирра ҳамкорлигини бутун минтақа тинчлиги ва равнақи йўлида ривожлантириш учун янги истиқболлар очиб беришига ишонч билдирди.

Шунингдек, тадбир дастурига мувофиқ форумда Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов нутқ сўзладилар, Мўғулистон Президенти Халтмаагийн Баттулғанинг мурожаати ўқиб эшиттирилди.

**ЎзА**

# ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ОЛИЙ СУДЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ XV ЙИҒИЛИШИ



◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Томонлар ШҲТга аъзо давлатлар Олий судлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, дўстлик ва яқин қўшничилик, ўзаро англашув ва ишонч ШҲТ Хартияси, ШҲТга аъзо давлатларнинг узоқ истиқболга мўлжалланган яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномаси ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотини 2025 йилгача ривожлантириш Стратегиясига мувофиқ, минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш тамойиллари асосида амалга оширилаётганини таъкидладилар.

Шунингдек, ШҲТга аъзо давлатлар Олий судлари ўртасидаги амалий ҳамкорлик фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги биргаликдаги фаолиятни янада такомиллаштириш, адолат, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга хизмат қилиб, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш учун муҳим омил бўлаётгани қайд этилди.

Тадбирда эътироф этилганидек, ШҲТ умумий манфаатларни ҳимоя қилишнинг энг самарали тизимидир. Яхши қўшничилик ва дўстликни мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашда бу нуфузли тузилма муҳим роль ўйнамоқда.

ШҲТ ташкил этилганидан буён унга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва тушуниш, юқори даражадаги ишонч ва биргаликда қарорлар қабул қилиш руҳи шаклланди.

Коронавирус инфекцияси пандемиясига қарши курашда ташкилотга аъзо давлатларнинг бирдамлиги ва ўзаро қўллаб-қувватлашининг юқори даражаси "Шанхай руҳи" намоён бўлишининг ёрқин намунасидир.

Тадбирда ШҲТга аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг қонун устуворлиги, фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ушбу соҳада тажриба алмашиш борасидаги ҳамкорлигини янада фаоллаштиришга қаратилган қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Томонлар Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг миллий суд тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, жумладан, фуқаро ва тадбиркорлар ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали самарали ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилганини таъкидладилар.

Иштирокчилар судларнинг конституциявий қадриятларни тарғиб қилиш, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш, шунингдек, COVID-19 пандемияси даврида ҳуқуқий муносабатларни ҳал қилишдаги ролини янада ошириш зарурлиги тўғрисида келишиб олдилар.

Шунингдек, судлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва глобал пандемия ҳамда иқтисодий инқироз даврида одил судловни амалга ошириш, суд тизимининг бу шароитда фаолият юритишига мослашиши, COVID-19 инфекциясининг олдини олиш ва назорат қилишдаги ўрни билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш жараёнида инсоннинг мажбуриятларига эътибор қаратиш муҳимлиги ҳам учрашув кун тартибидан ўрин олди.

Томонлар ШҲТга аъзо давлатлар ўртасидаги тижорат низоларини ҳал этиш механизмини такомиллаштириш, суд тизимида коррупцияга қарши курашиш ва судларда коррупция хавфининг олдини олишга эътибор қаратдилар.

Тадбирда замонавий судлов тизимини рақамлаштиришнинг вазифа, тамойил ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишига ҳам эътибор қаратилди.

Шунингдек, жиноят қонунчилигини инсонпарварлаштириш бўйича чора-тадбирлар ва уни қўллаш амалиёти ҳам муҳокама қилинди.

Иштирокчилар миграция муносабатлари жараёнидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик ва ШҲТга аъзо давлатлар судлари томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш амалиёти масалаларига ҳам тўхталиб ўтдилар.

Қайд этилдики, кейинги йилларда ШҲТ минтақасида суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш, шунингдек, суд тизимининг ролини ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Муҳокамалар чоғида, шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг суд тизимларини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичда ушбу йиғилишнинг мақсад ва вазифаларига эътибор қаратилди.

Ўзбекистон томони иштирокчиларни мамлакат суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг истиқболларидан бири, яъни дастлабки тинглов билан таништирди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди вакиллари мамлакатимизда маъмурий суд ишларини юритишнинг хозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари тўғрисида батафсил маълумот беришди. Шунингдек, Ўзбекистон инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатларини кучайтириш орқали инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича маъруза тақдим этди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг ўн бешинчи йиғилиши тўлиқ ўзаро англашув руҳи ва дўстона муҳитда ўтди.

Йиғилиш якуни бўйича қўшма баёнот қабул қилинди. Унга мувофиқ, ШҲТга аъзо давлатлар Олий судлари ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, хавфсизлик, барқарорлик, халқларимиз тинчлиги ва фаровонлигини сақлашга янада кўпроқ ҳисса қўшиш ниятидалар.

Шу билан бирга, ШҲТга аъзо давлатларнинг Олий судлари ШҲТ Хартияси, Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ва ШҲТ доирасида қабул қилинган бошқа халқаро шартномалар қоидаларини инобатга олган ҳолда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича ўзаро муносабатларни янада кучайтириш ниятидалар.

Қайд этилганидек, одил судлов самарадорлигини таъминлайдиган омиллардан бири бу — судлар ва судьяларнинг масъулияти ва мустақиллигини ошириш, шунингдек, суд тизими ҳамда суд ҳамжамияти профессионал ташкилотларнинг ролини кучайтиришдир.

Қабул қилинган баёнотда COVID-19 пандемияси шароитида судлар судга ташриф буюрувчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи, хавфсизлигини таъминлаган, шунингдек, ваколатли давлат идоралари томонидан жорий этилган ижтимоий масофани сақлаш каби санитария-эпидемиологик тартибларга риоя этган ҳолда суд ҳимоясини амалга оширишнинг мақбул йўлини топиши шартлиги қайд этилди. Шунингдек, томонлар COVID-19 пандемияси шароитида кўп томонлама ўзаро тажриба алмашишга тайёр эканликларини билдиришди.

Саккиз мамлакат Олий судлари қонунчилик ва суд амалиётида шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш, суд процессининг барча босқичларида тортишув тамойилини қўллашни янада кенгайтириш зарурлигига эътибор қаратишди.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг жиноятларни тергов қилиш ваколатларини аниқ белгилаш билан бирга, жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини такомиллаштиришни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Яна қайд этилдики, иқтисодий одил судловни модернизация қилиш, тижорат низоларини ҳал қилиш механизмларини такомиллаштириш, инвесторларнинг суд ҳимояси кафолатларини кучайтириш, айниқса, бугунги глобал иқтисодий инқироз шароитида биринчи даражадаги вазифалар ҳисобланади.

ШҲТга аъзо давлатларнинг Олий судлари келгусида ҳам судларнинг мустақил ва самарали фаолиятига таъсир кўрсатадиган суд тизимидаги коррупцияни бартараф этиш бўйича ҳамкорликни давом эттириш ниятида эканини таъкидлашди.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда суд амалиётидаги муаммоларни муҳокама қиларкан, учрашув иштирокчилари ушбу соҳада, бола ҳуқуқларини суд томонидан ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган одил судлов модели амалиётини ҳисобга олган ҳолда ўзаро тажриба алмашиш зарурлигини таъкидладилар.

Дунё ва минтақада миграция жараёни фаоллашаётгани ноқонуний миграция жараёнида инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлашда суд ҳокимиятининг ролини янада ошириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Бундан ташқари ШҲТга аъзо давлатларининг Олий судлари судьяларнинг ўзларини қизиқтирган соҳаларда малакасини ошириш мақсадида, илғор суд амалиёти ва миллий қонунчилик тўғрисида ўзаро тезкор маълумот алмашишни давом эттириш, шунингдек, қўшма конференция ва семинарларни ўтказиш борасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ниятида экани таъкидланди.

Имзоланган якуний баёнотга мувофиқ ШҲТга аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг навбатдаги йиғилиши 2021 йилда Қирғизистон Республикасида ўтказилади.

***Ўзбекистон Республикаси Олий суди матбуот хизмати***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

аввало қурилиш объектларида ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги норасмий меҳнат фаолиятини юритиш, шунингдек, иш ҳақини "конвертда" тўлаш ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш.

5. Ҳудудий комиссиялар:

икки ҳафта муддатда ҳар бир туман ва шаҳарнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ва масъул органлар ҳамда ташкилотларни белгилаган ҳолда **"йўл хариталари"ни ишлаб чиқсин** ва кутилаётган натижаларни кўрсатган ҳолда уларни Махсус комиссияга тасдиқлаш учун тақдим этсин;

ҳар чоракда яширин иқтисодиётга қарши курашишни такомиллаштириш бўйича таклифларни Махсус комиссияга кўриб чиқиш учун киритсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига "йўл хариталари"да назарда тутилган вазифалар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши ҳамда ҳудудлар даражасида яширин иқтисодиётни қисқартириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

6. Махсус комиссия (Ж.Қўчқоров) 2021 йил 1 февралга қадар масъул вазирлик ва идораларнинг иши сифатли ташкил этилишини таъминлаб ҳамда бизнес ҳамжамияти, хорижий ва маҳаллий экспертларни жалб қилган ҳолда **2021-2025 йилларда яширин иқтисодиётни қисқартириш стратегиясини** ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

7. **Яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашишда вазирлик ва идораларнинг фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда солиқ ва божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича "йўл харита"**си 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Махсус комиссия яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш бўйича, шу жумладан "йўл харитаси"да кўзда тутилган чора-тадбирларга доир таклифлар муҳокама қилинишини таъминласин, шунингдек, ҳар ой эришилган натижалар бўйича ҳисоботларни эшитиб борсин.

Вазирлик ва идораларнинг раҳбарларига "йўл харитаси"нинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

8. Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар:

ўзини ўзи банд қилган шахслар ва ҳунармандлар томонидан ҳамда умумий овқатланиш пунктларида сотиладиган товарлар ва хизматлар учун аҳоли томонидан тўловларни амалга оширишда контактсиз технологияларнинг жорий этилишини таъминласин;

банкоматлар ва кўп функцияли ўз-ўзига хизмат кўрсатиш терминаллари тармоғини кенгайтирсин ва уларнинг сонини 10 мингтага етказсин;

халқаро молия институтларининг техник ёрдамини жалб қилган ҳолда, **накдсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини** ишлаб чиқсин.

9. Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигининг онлайн касса машиналарининг чекларида акс эттирилган QR-код ёки фискал белги асосида совринли ўйинларни ўтказиш бўйича Тошкент шаҳрида амалга оширилган экспериментни, кўзда тутилган бюджет ажратмалари доирасида 2020 йилда республиканинг барча ҳудудларида амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

10. Давлат солиқ қўмитаси:

**а) бир ой муддатда** шундай тартиб жорий қилсинки, унга мувофиқ, назорат-касса машиналари ва тўлов терминалларидан фойдаланиш бўйича сайёр текширувлар солиқ тўловчилар кесимидаги чораклик режа-жадвал асосида амалга оширилиши мумкин ҳамда текширув натижалари ва улар бўйича солиқ низоларини кўриб чиқиш натижалари эълон қилиб борилади;

**б) икки ой муддатда:**

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига кирувчи давлатларнинг солиқ идоралари ўртасида солиқ маълумотларининг автоматлаштирилган алмашинувига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши бўйича "йўл харитаси"ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Давлат солиқ қўмитаси раисининг яширин иқтисодиётни қисқартириш масалалари бўйича доимий маслаҳатчиси — чет эллик мутахассисни танлов асосида жалб қилиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотилаётган товарлар ва хизматларни таснифлаш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

**в)** тадбиркорлик субъектлари ўртасида тўлов терминаллари ва онлайн назорат-касса машиналаридан фойдаланмасдан фаолиятни амалга оширганлик учун жавобгарлик чоралари тўғрисида **мунтазам равишда,** шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириш ишларини олиб борсин.

11. Қуйидагилар Ҳисоб палатасининг қўшимча вазифалари сифатида белгилансин:

яширин иқтисодиётни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш;

ҳудудий комиссиялар томонидан 2021-2025 йилларда яширин иқтисодиётни қисқартириш стратегияси ҳамда қабул қилинган "йўл хариталари" амалга оширилишини назорат қилиш;

давлат бошқарув органларида, шунингдек, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган муассаса ва ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали ички назорат тизимлари жорий қилинишини таъминлаш чоралари амалга оширилишини назорат қилиш;

яширин иқтисодиётни қисқартиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиб бориш.

12. Ҳисоб палатаси тузилмасида бошқарув ходимлари штат бирликлари доирасида Иқтисодиётда яширин айланмани камайтириш

ва бюджет даромадларининг қўшимча манбаларини аниқлаш шўъбаси ташкил этилсин.

13. Давлат солиқ қўмитаси 2021 йил 1 апрелгача 4-иловага мувофиқ реал вақт режимида қўшимча маълумотлар алмашинувини таъминлайдиган идоралараро аппарат мажмуасини фойдаланишга топширсин.

14. Давлат солиқ қўмитасининг Маълумотларни қайта ишлаш марказини (кейинги ўринларда — Марказ) замонавий сервер ускуналари ва тегишли дастурий таъминот билан таъминлашни тезлаштириш ва бирламчи қўшимча жиҳозлаш мақсадида Молия вазирлиги 2020 йилда Давлат солиқ қўмитасига республика бюджетининг ортиқча бажарилган даромадлари ҳисобидан 100 миллиард сўмгача бўлган миқдорда маблағ ажратсин.

Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги Марказни модернизация қилиш, яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари ходимларининг малакасини ошириш учун Жаҳон банкининг имтиёзли кредитини жалб қилишни тезлаштирсин.

Марказни жиҳозлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатга мувофиқ олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар, дастурий ва моддий-техник воситалар 2022 йил 1 январга қадар божхона божидан озод қилинсин.

Давлат солиқ қўмитасига, истисно тариқасида, Марказни жиҳозлаш учун ускуналарни, дастурий ва моддий-техник воситаларни лойиҳалаштириш, етказиб бериш ва ўрнатиш, шунингдек, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш бўйича энг яхши таклифларни танлаб олиш ёки тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан шартномалар (контрактлар) тузишга рухсат берилсин.

Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Кудбиев зиммасига Марказни жиҳозлаш учун зарур ускуналар, дастурий ва моддий-техник воситалар хариди жараёнининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, харид жараёнлари натижаларини эълон қилиш юзасидан жавобгарлик юклатилсин.

15. Тегишли вазирлик ва идораларнинг умумий штат бирлиги доирасида:

а) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги таркибида — **Яширин иқтисодиётни таҳлил қилиш бошқармаси** ташкил этилсин, таҳлиллар ўтказиш ва яширин фаолият даражаси юқори бўлган иқтисодиёт соҳаларини аниқлаш унинг асосий вазифалари этиб белгилансин;

б) Давлат солиқ қўмитаси таркибида:

**Солиқ назорати департаменти** ташкил этилсин, юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш, қўшилган қиймат солиғи билан боғлиқ фирибгарлик схемаларини аниқлаш ва агрессив солиқ режалаштиришга қарши курашиш унинг асосий вазифалари этиб белгилансин;

**2021 йил 1 июлдан** бошлаб махсус таркибий бўлинма ташкил этилсин, солиқ ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш ва аниқлаш, шунингдек, қўшилган қиймат солиғи занжирини шакллантиришда контрагентлар ўртасида ҳисоб-китобларни таҳлил қилиш унинг асосий вазифалари этиб белгилансин;

в) Молия вазирлигида — **яширин иқтисодиётни қисқартириш ишларини ташкил этиш бўлими** тузилсин, унга Махсус комиссиянинг ишчи органи вазифалари ҳам юклансин.

16. **2020 йил 1 ноябрдан** давлат солиқ хизмати органлари бошқарув ходимлари сони 1 154 штат бирлигига ёки 10 фоизга қисқартирилсин.

Давлат солиқ хизмати органлари бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 10 512 штат бирлиги, шу жумладан Давлат солиқ қўмитасининг марказий аппаратида — 498 штат бирлиги этиб белгилансин.

17. **Қуйидагилар:**

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **марказий аппаратининг тузилмаси** 5-иловага мувофиқ;

**Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясининг тузилмаси** 6-иловага мувофиқ;

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларининг тузилмаси** 7-иловага мувофиқ;

**туманлар (шаҳарлар) давлат солиқ инспекцияларининг тузилмаси** 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

18. Давлат солиқ қўмитаси раисига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

зарур ҳолларда марказий аппарат ва ҳудудий бўлинмаларнинг, шунингдек, Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясининг тасдиқланган тузилмаларига бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони ва иш ҳақи фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш;

бўйсунувидаги хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар ходимлари сонини белгилаш, уларнинг тузилмасини, штат бирликларини, шу жумладан бошқарув ходимларининг штат бирликларини, иш ҳақи фондини, харажатлар сметасини, транспорт воситаларининг лимитини тасдиқлаш, шунингдек, уларнинг мол-мулкини тасарруф этиш.

19. Белгилансинки, давлат солиқ хизмати ва божхона хизмати органларининг мансабдор шахслари назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан фақат солиқ, божхона ва валюта қонунчилигига риоя қилишга доир текширувларни ўтказиш учун ҳафтасига 16 иш соатидан кўп бўлмаган муддатга жалб қилиниши мумкин.

20. Махсус комиссия (Ж.Қўчқоров) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда тадбиркорлар ва аҳолини қонуний бизнес юритишнинг нуфузини ошириш ва ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга нисбатан муросасизлик ҳиссини тарғиб қилишга жалб этиш бўйича "медиа-режа"ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 9-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

22. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2020 йил 30 октябрь*

*Янги қонун моҳияти*

## Янги қонун: санитария-эпидемиология назорати марказларининг иш юкламасини енгиллаштиришга қаратилган

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Янги қонун билан айни шу йўналишдаги комплекс чораларнинг мантиқий давоми ва ажралмас қисми — тизимли жазо нормалари жорий қилинмоқда.

Албатта, бунинг ўзига яраша асосли сабаблари бор. Хусусан, 2020 йил 21 сентябрь ҳолатига кўра, эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузганлик учун жами 635 минг 104 та маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланган.

Бу ҳолат Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 54-моддасига мувофиқ қонуний тартибга солинмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ички ишлар органлари томонидан аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича тўпланган ҳужжатлар якуний қарор қабул қилиш мақсадида, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматига юборилмоқда.

Лекин ушбу хизматнинг куйи тизимларида куч ва воситалар, мавжуд имкониятлар чекланган. Ходимлар тўлиқ жамланмаган, соҳага оид мутахассислари етарли эмас.

Ходимларнинг катта ҳажмдаги ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш кўникмаси шаклланмаган. Шу салбий омилларнинг барчаси мазкур соҳада ўз вақтида жазо муқаррарлигини таъминлаш ишига тўсқинлик қилмоқда.

Янги қонуннинг 1-моддасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Хусусан, кодексда назарда тутилган эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш маъмурий ҳуқуқбузарлиги учун маъмурий жазо қўллаш ваколатини Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан бир қаторда ички ишлар органларига ҳам бериш кўзда тутилмоқда.

Яна бир янгилик. Кодексда назарда тутилган транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш маъмурий ҳуқуқбузарлиги учун маъмурий жазо қўллаш ваколатини ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ходимлари билан биргаликда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларига ҳам бериш назарда тутилган.

Бундан ташқари ушбу кодексда эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни содир этиб ҳаракатланаётган транспорт воситаларини ушлаб туриш тартиби жорий этилмоқда.

Хўш, бундай ўзгартиришлар нима беради?

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар:

*биринчидан,* давлат бошқаруви тизими орқали самарали ҳамда тезкор фавқулодда чораларни қўллашга ёрдам беради;

*иккинчидан,* фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишда ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга замин яратади;

*учинчидан,* энг муҳими, мамлакатимизнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга имкон беради;

*тўртинчидан,* транспорт воситалари ҳайдовчиларининг масъулиятини ошириш, санитария-эпидемиология назорати марказларининг иш юкламасини енгиллаштиради.

**Шуҳрат ЧЎЛЛИЕВ,**
*Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари*

## Коррупцияга қарши курашиш мавзуси ҳеч қачон эскирмайди

***Инсонни қийин аҳволга туширадиган, руҳан эзадиган ҳолатлар ичида энг оғири адолатсизлик ҳисобланади. Унинг бир илдизи коррупция билан боғлиқ бўлиб, бу шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, моддий наф олиш мақсадида, қонунга хилоф равишда фойдаланиши, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишида ифодаланади.***

Коррупция дунё миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган глобал муаммолардан биридир. Ушбу иллат ҳар қандай давлат ёки жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказади, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади. Шу боис, унга қарши курашиш халқаро аҳамият касб этиб, жаҳон сиёсатининг муҳим йўналишларидан саналади.

Бугунги кунда коррупция билан боғлиқ турли хил сиёсий ва иқтисодий келишмовчиликлар тўғрисида деярли ҳар куни оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали хабардор бўляпмиз.

**(Давоми 4-бетда)** ▶

*Гиёҳвандлик — аср вабоси*

## Жаҳолат ботқоғи

*ёки мўмай даромад топаман деб нафс қурбони бўлган кимса хусусида*

***Бу дунёда ҳар бир одам бахт ва омадга интилиб яшайди. Аксарияти уни ҳалол ва фидойи меҳнат оғушидан топади. Афсуски, бахту омадни ҳалол меҳнатга бўйни ёр бермаган кўйи излаётганлар ҳам бор. Бу тоифадагиларни ҳаётнинг ёрқин йўлларига даъват этишдан наф йўқ. Барибир ўз билганларидан қолишмайди, умрнинг ҳалол меҳнатдан келадиган бахт ва шодликка тўла нурафшон йўлларини бир четга суриб, қалтис ва хатарли йўлларни танлашади. Сирасини айтганда, қучоқ очиб, чечак ёзиб, ҳузурига келаётган бахтитахтидан била-кўра туриб воз кечишади. Ўз иқболини ўз қўлила барбод этаётганлар, соғлиги тугул ҳаётини ҳам хор, абгор, барбод қилаётганлар — айнан шулар.***

Чиндан ҳам, шундай: баъзилар бойлик, шоҳона ҳаёт ва амални бахт деб билишади. Аслида эса, ҳақиқий бойлик инсонга ҳалол ва фидойи меҳнат-ла пешвоз чиқади. Ва бахтнинг калитини ҳамиша шижоатли меҳнатдан, ҳалоллик ва поклик йўлларидан изламоқ даркор. Уқтирилганидек, меҳнатсиз бойлик ҳам бор. У саҳродаги кўлмакка ўхшаб кетади. Офтоб чиққани ҳамон ё ерга сингийди ё ёғду забтидан тезда қуриб, ҳавога учади.

Қўшкўпирлик Юнусбек Оллоберганов ана шу янглиғ саробнинг изидан қувди. Енгил-елпи меҳнатни кўзлади, кўнгли шоҳона турмушни тусади, Шу аснода бемеҳнат бойликни хорижий эллар, хусусан, қўшни Қозоғистон заминидан излашга тутинди. Аммо меҳнатсиз турмуш қайда, дейсиз? Унинг ушбу юртга бир неча марта қилган қисқа муддатли сафари 2019 йилнинг кеч кузида қариди. Уйига қайтгач, тирикчилик учун асқотгувчи қўл учи юмушларига уннади. Бироқ унинг назарида, бундай ишлардан наф йўқ ва даромаду буромаднинг чўнтак томон ўз-ўзидан оқиб келиш чораларини изламоқ зарур. Шу боис Юнусбек ақлини "чархлади". Тирикчиликнинг жўн, бемеҳнат ва беҳисоб бойликка етакловчи йўлларини ахтарди. Хайрият, излагани олдидан чиқди. У анчайин жўн, аммо қалтис юмуш ва ҳатто хавф-хатар, аччиқ ва аянчли қисматга ҳам рўпара этиши мумкин. Бироқ кўздан йироқ пана-пастқамликлар ҳам бор ва бундай жойларда бемалол кун кўриб, хуфя фаолиятни бафуржа амалга оширса ҳам бўлаверади. Гиёҳфурушликнинг сароб ва алдамчи кўланкаси унинг моғорлаган қалбида ана шу алфозда намоён бўлди. Юнусбек ҳузурида пайдо бўлган бу қора кўланка аслида катта хатар даракчиси эканлигини яхши билса-да, ундан қўл силтамади, ҳузуридан ҳайдаб солмади. Бир томондан, мўмай бойлик, бошқа тарафдан эса, аянчли ва ачинарли қисматга етакловчи қалтис йўлга ана шу тариқа қадам босди. Бунга яқин таниши Р.Рўзиматов сабабчи бўлди. Аинқроғи, бу шумният кимсани Юнусбекнинг ўзи излаб топди. Гиёҳфурушликка қаратилган муддаоини унга баён этиб, ушбу қора қилмиш орқали катта фойда орттириш ниятида эканлигини маълум қилди, мазкур "қора бозор"-нинг сир-асрорларини обдан ўргатишни сўради. Таклиф қабул қилинди. Дастлабки савдо 2019 йилнинг декабрь ойида амалга ошди. Юнусбек иккита гугурт қутисига жойланган 5 грамм оғирликдаги "тарьяк" гиёҳвандлик моддасининг ҳар граммини 250 минг сўм эвазига сотиб олди. Орадан кўп ўтмай ушбу харид матоҳининг дастлабки нуқраси — 1 грамм оғирликдаги гиёҳвандлик моддаси бошқа бир харидорга 300 минг сўмга сотилди. Чўнтакка тушган илк соф фойда Юнусбекнинг кўнгил қулфини очди, ғайрати қўзиди. Ана шу тариқа жўнгина тарзда гиёҳфурушлар сафидан жой олди. Оғуфурушликнинг илк синовини ортда қолдирган "ҳаваскор" сотувчини тезора бош таъминотчининг ўзи йўқлади. Юнусбекнинг хонадонига шахсан ташриф буюрди. Шу ердан туриб, яна бир ҳамтовоғи Н.Бектурдиевга сим қоқди, тезда етиб келишни тайинлади. Учовлон устомоннинг бу ердаги хуфя учрашуви беиз кетмади. Ҳамтовоқлар ҳамкорликда ишлашга келишиб олишди. Мазкур келишувдан сўнг орадан 4 кун ўтгач, Наврўзбек (Н. Бектурдиев) Юнусбекни излаб келди. Ўшанда гуруҳбошидан сотиб олинган "тарьяк"нинг қолган 4 граммини сотиб олиш истагини билдирди. Савдо пишиди. Ноҳалол луқма — ҳаёт ва соғлик кушандаси унинг қўлига ўтди. Бироқ у харидни ўзи билан бирга олиб кетмади. Юнусбек вақтинча яшаётган Урганч туманининг Тандирчи маҳалласидаги эски молхона бу сингари ажал уруғини пинҳона сақлаш учун бирмунча қулай ва хавфсиз макон. Харид қилинган мол ўша ерга яширилди. Хуфя "бозор"даги ажаб савдолар эса, қизигандан-қизиди. Шу орада ушбу "бозор"нинг омадли сотувчисини Қудрат исмли шахс ҳам йўқлади. У озмунча мас, нақ 3 кило миқдоридаги опий ҳамда "героин" гиёҳвандлик моддасини топиб беришни сўради. Сотувчи хариднинг пулига шаъма қилди. Қудрат бунинг исботи учун унга ўнларча ўрамга жойланган жарақ-жарақ АҚШ долларини кўрсатди. Томонлар битимнинг қийматини 140 минг долларга баҳолашди.

Бунча миқдордаги буюртма ва унинг ортида мана ман, деб турган мўмай даромад Юнусбекнинг эсини оғдираёзди, ҳоври-ҳаяжони осмонга ўрлади. Бироқ тезда ўзини қўлга олди. Ҳаяжони босилгач, "мол"ни тезда ҳозирлашга ваъда берди. Харидор ҳам ваъдасида турди. Сотувчи ва олувчи пулни бер-у, молни ол ақидасига амал қилишди.

**(Давоми 4-бетда)** ▶

*Жиноятга жазо муқаррар*

## Сохта ходим

*аниқ далиллар билан қўлга тушди*

***Маълумки, самимий, соддадил ва бағрикенг халқимиз давлат хизматчиларига, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларига ҳурмат билан қарайди, уларга ишонади. Негаки, юртимизда тинчлик-осойишталикни ҳамда қонун устуворлигини таъминлашда ушбу соҳа вакилларининг хизматлари беқиёс.***

Китоб туманида яшовчи Фаррух Оқилов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўзининг фирибгарлик қилмишини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходими сифатида амалга оширганлиги ҳам балки шундандир.

Гап шундаки, дастлаб Ф.Оқилов 2019 йилнинг октябрь ойида Шаҳрисабз шаҳрида яшовчи Зебо Маматова билан учрашиб, ўзининг Тошкент шаҳридан эканини, ДХХ Шаҳрисабз шаҳар бўлимига ишга келганини айтади. Сўнгра З.Маматованинг Шаҳрисабз шаҳар Фусункор кўчасидаги кўп қаватли уйда жойлашган хонадонини вақтинча ижарага олади. Хонадонга жойлашадию, аёлни алдашга киришади.

— Акам чегарада юз берган отишмада яраланибди. Шунинг учун отам уни даволатишга пул сўраяпти. Илтимос, менга минг доллар бериб турсангиз. Ойлигим чиқиши биланоқ қайтараман, — дейди у.

Бинобарин, хонадон соҳибаси унга ишониб, 9.428.150 сўмга тенг бўлган 1000 АҚШ доллари миқдорида пул беради. Аммо Фаррух қарзини қайтармай, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборади. Кейин — 2020 йил 10 январь куни эса, Зебо Маматованинг куёви, яъни синглисининг хўжайини Отабек Бобоқуловга ойлик маоши кечикаётганлигини айтиб, 800 АҚШ доллари қарз олади. Бироқ бу пулни ҳам қайтариб бермайди.

**(Давоми 4-бетда)** ▶

# Коррупцияга қарши курашиш мавзуси ҳеч қачон эскирмайди

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Бундай хабарлар орқали дунё ҳамжамияти коррупциянинг мамлакатлар сиёсати, иқтисодиёти ва турмуш даражасига нақадар салбий зарар етказаётганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Коррупция туфайли жамиятнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувига бўлган ишончи пасаяди, қонун талаблари бажарилишига путур етказилади.

Коррупция кучайган мамлакатга инвестиция кириб келиши камаяди, натижада ушбу мамлакат иқтисодиёти ва ривожланиши жиддий зарар кўради. Ҳозирги вақтда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий муаммолар орасида коррупцияга қарши кураш муаммоси, айниқса, муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам жамиятда коррупциявий жиноятларнинг содир этилиши ва уларга йўл қўймаслик, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жиноятга жазо албатта муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўрилмоқда.

Коррупция — бу моддий ёки мулкий йўсинда, ғайриқонуний шахсий наф кўриш мақсадида, ўз хизмат мавқеидан фойдаланишида ифодаланадиган ижтимоий ҳодиса.

У демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказади, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қилади, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳаракатларнинг илдиз отиши учун шароит яратади.

2017 йил 4 январдан Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни кучга киритилгани коррупцияга барҳам бериш учун тегишли ҳуқуқий асосларни яратиб берди. Мазкур қонун ижроси тўлиқ ва самарали таъминланиши учун бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам қабул қилинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва 2019 йил 27 майдаги "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2020 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари коррупцияга оид давлат ҳуқуқий сиёсати йўналишларини белгилаб берди.

Ҳозирги даврда коррупция кўпгина давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий салоҳиятига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Дунё жамоатчилиги учун унга қарши курашиш мунтазам равишда амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вазифалардан бирига айланди. Коррупцияга қарши курашда жаҳон мамлакатлари тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, фақатгина жиноий қонунчиликни кучайтириш йўли билан бу салбий иллатга қарши курашиб бўлмайди. Бу иллатни енгиш учун, биринчи навбатда, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, фуқаролик институтлари фаолиятини кучайтириш лозим бўлади.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш ҳаракати бошландими, ушбу иллатдан азият чекмаслик учун ҳаммамиз бир тан-у бир жон бўлиб, коррупцияга қарши курашишни вазифамизга айлантиришимиз лозим. Жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат қарор топтириш ўта долзарб масала бўлиб, унинг тўлақонли рўёбга чиқиши учун ҳар бир фуқаро ўзида масъулият ҳис этса, қўйилган мақсад ва муддаолар ечими пайдо бўлади.

Жамиятда мавжуд бўлган маънавий-психологик муҳит ҳокимият органларидаги коррупция даражасига, ҳеч шубҳасиз, жиддий таъсир кўрсатади. Аксарият амалдорлар ўзларини коррупцион қарор қабул қилиш ёки қабул қилмаслик ўртасида йўл танлашга мажбур этадиган ҳолатларга эртами-кечми, албатта, дуч келади. Бундай ҳолатларга фуқаролар билан бевосита алоқада иш олиб борувчи қуйи бўғин амалдорлари, айниқса, кўп дуч келади (турли лицензиялар, рухсатномалар, маълумотномалар беришда ва ҳ.к.). Бундай ҳолатларнинг пайдо бўлиши юқорида зикр этилган коррупцияни вужудга келтирувчи муаммолар ва шарт-шароитларга ҳам, ижтимоий-психологик омилларга ҳам боғлиқ. Уларнинг табиатини тушуниш коррупцияга қарши курашиш учун нима қилиш кераклигини аниқлашни осонлаштиради.

Халқимизнинг том маънодаги адолат қарор топган жамиятда яшаши учун нафақат масъул шахслар, балки ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўшиши зарур. Бу фуқароларимизда коррупцияга, аниқроқ айтганда, ҳар қандай қонунбузарликка нисбатан муросасизлик кайфияти ва маданияти шаклланишига боғлиқ. Чунки ҳар қандай қонунбузарликлар содир этилиши ва кўпайишига кўп ҳолларда ўзимизнинг бефарқлигимиз, лоқайдлигимиз сабаб бўлмоқда. Барчанинг якдиллиги, юрт тақдирига дахлдорлиги кучайиши ҳар қандай иллатнинг батамом барҳам топишига хизмат қилади.

Шундай экан, тегишли хулоса қилишимиз, келажакни коррупциясиз биргаликда қуришимиз, бунинг учун, аввало, ўзимизни ўзимиз тарбия қилишимиз, коррупциянинг ҳар қандай кўринишини бартараф қилиш учун биргаликда курашишимиз зарур. Коррупцияга қарши курашда самарали чора-тадбирлар кўрмаслик келгусида криминал, иқтисодий ва ижтимоий муаммода сиёсий муаммога айланиши ва мамлакатнинг конституциявий асосларига путур етказувчи офат тусини олиши мумкин.

**А.ЮСУПБАЕВА,**
*Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази бўлим бошлиғи*
**ЎзА**

*Гиёҳвандлик — аср вабоси*

# Жаҳолат ботқоғи

## ёки мўмай даромад топаман деб нафс қурбони бўлган кимса хусусида

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Бевосита олди-сотди маросими эса, 2020 йилнинг 25 январь кунига белгиланди. Ўша куни содир бўлган воқеалар анча ҳаяжонли, аммо хавотирли тарзда кечди.

Юнусбек ўша хароба молхонага яширилган 1 кило опий ва яна 1 кило миқдоридаги "героин" моддасини харидорнинг қўлига тутқазди. Лекин пулини санаб олишга улгурмади. Фалокат оёқ остидан чиқди. Катта миқдордаги хориж пули оғуфурушнинг чўнтагини энди-энди безай деганида "осмонга учди". Ва бир пасдан сўнг мол ҳам, пул ҳам шу ерда тўсатдан пайдо бўлган изқуварлар қўлига ўтди. Сотувчини-ку, фалокат босди, ўз вақтида босди. Акс ҳолда, мол сотилиб, минг-мингларча киши "дори"нинг домига тушиши, оқибатда ҳаёти дўзахга айланиши тайин эди. Хайрият, изқуварлар бунга изн беришмади. Қилмиш барвақт фош этилди. Ўзини аллақачон хон, кўланкасини султон санай бошлаган оғуфурушнинг эса, бир пасдаёқ ҳоври босилди, шашти сусайди. У ҳалол ва фидойи меҳнат-ла топиладиган чинакам бахтдан кўра-била туриб, юз ўгирди, ўз навбатида, тотли ҳаёт ҳам ундан ўзини обқочди, оғир қисмат ва кулфатга ҳам дучор этди. Жиноий қилмишга далил ҳисобланган матоҳ эса, кутилганидек, инсон онг-шуурինигина эмас, балки жисми-жонини ҳам фалажловчи ҳақиқий ажал уруғи вазни 1005, 10 граммдан иборат "таръяк" ҳамда 995, 74 граммга тенг "героин" моддаларидан иборат эди.

Жамият ҳаётида содир этилган қилмишлар беиз кетгани, жиноий кирдикорга қўл урган кимса эса, тутқич бермай дараксиз йўқолганига оид далиллар йўқ ҳисоб. Қилмиш борки, қарийб бари қидирмишга етаклаган. Муқаррар жазодан холи қолганлар ҳам деярли йўқ. Баъзи фаҳми заиф бандалар буни идрок эта олишмайди, сувдан қуруқ, тегирмондан бутун чиқишга уринишади. Бундайлар орасида ўз билак кучи, ақл-идроки, фаҳму фаросати, инсонийлик сифатлари кўмагида рўзғор тебратиш, ҳатто ҳавас қилса, арзигулик бахт қасрини барпо этишга қобилу қодирлар ҳам бор. Юнусбек Оллоберганов ҳам шулар сирасидан. У айни қирчиллама ёшда: 1990 йил Қўшкўпир туманининг Оқдарбанд қишлоғида туғилган. Оиласи ва 2 нафар фарзанди бор. Соғлом, тўрт мучаси бут, куч-қуввати бисёр ва, табиийки, ўзини ақлли-ҳушли кишилар сирасидан санайди, Аммо сўқир кўзи қўлга тушганидан сўнг очилди: қилмишларини хаспўшламади, тавбасига таянганини айтди.

Қонун талабига кўра, оғир ва асоратли қилмишнинг қидирмиши ҳам шунга монанд бўлмоғи даркор. Лекин жазони енгиллатувчи жиҳатлар ҳам анчагина ва бу ҳол суд жараёнида назардан четда қолмади. Суд айбланувчига нисбатан Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми (гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда сотиш) бўйича терговорганини томонидан қўйилган айбни эътироф этди. Уқтирилганидек, судланувчи айбидан тонмади, унга астойдил иқрор бўлди, пушаймонлигини билдирди, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини айтиб, кечирим сўради. Буларнинг бари қилмишнинг қидирмишини жиддий енгиллатувчи ҳолат сифатида баҳоланди. Айбни оғирлаштирувчи ҳолатлар қайд этилмади. Жазо ҳам шунга яраша бўлди. Ю.Оллоберганов Жиноят кодексининг юқоридаги моддасида кўзда тутилган энг кам миқдордаги жазога ҳукм қилинди. Маҳкум бунга эътироз билдирмади.

Қилмиш учун жазо чиндан ҳам, муқаррар. Ва қонун сўрови, виждон азобидан қочиб қутулишнинг иложи йўқ. Бироқ масаланинг маҳкумга деярли дахли бўлмаган иккинчи тарафи ҳам бор ва у, асосан, ўзгаларга тегишли. Бу жиҳат кўпчилик элдошлар, айниқса, дилида жиноий қилмишга мойиллик аломатлари мавжуд кишиларга дахлдор. У одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка, ким аслида кимлигини бир пасдаёқ фаҳмлай олишга чорлайди. Ўзгаларнинг жиноий қилмишидан чиқариладиган сабоқ кучи эса, бениҳоя катта ва инсон зотини қалтис ва хатарли амаллардан мудом муҳофаза қилиб туради, тийилиб туришга ундайди. Зеро, камолга етган инсон бир кунмас-бир кун ўз ҳаётининг чорраҳасига чиқади. Ундан нарёқдаги йўлларнинг бири инсонни ҳаётнинг нурли ва истиқболли манзилларига бошласа, яна бири зулматга элтади. Бу йўлларни олдиндан кўра олмоқ зарур. Зеро, ножўя қилмишу кирдикорлардан холи юрганнинг ошиғи олчи. Кейинги пушаймондан эса, наф йўқ ва у халқимиз зикр қилганидек, ўзингга душман. Шундай экан, қора қилмиш, ножўя ҳаракатга қўл уриб, сўнггида пушаймон бўлгандан кўра, бу янглиғ номатлуб ва номуносиб амалларни четлаган кўйи тинч, хотиржам яшаган минг карра афзал эмасми? Баъзилар ҳалол турмуш, фойдали меҳнат, чин одамийликнинг қадри-қийматини қачон англаб етишаркин?

**Музаффар САМАНДАРОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг судьяси,*
**Абдулла СОБИРОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Бундан ташқари фирибгар яна бир фуқаро — уяли телефон савдоси билан шуғулланувчи Алижон Маҳмудовни ҳам ДХХ Шаҳрисабз шаҳар бўлимида ишлашини айтиб, лақиллатади.

— Манави телефонингиз менга ёқди, шуни берсангиз, — дейди дўкондаги мобил қурилмалар ичидан "Redmi 6 pro" русумли, нархи 150 АҚШ доллари бўлган телефон аппаратини олиб. — Фақат уч-тўрт кунда ойлик оламан, шунда пулини бераман.

У шундай деб уяли телефонни олиб кетадию, лекин пулини бериш "хаёлидан кўтарилиб" қолади.

Шундан сўнг Ф.Оқилов жиноий ҳаракатини Китоб туманида давом эттиради. Аниқроғи, Тошкент шаҳридан қайтаётиб кеч қолиб кетганлигини билдириб, туманнинг Дўрмон қишлоғида яшовчи таниши Шоҳимардон Худойқуловникида бир кеча тунаб қолади. Шунда Шоҳимардоннинг 2017 йил 6 февралда берилган ҳарбий гувоҳномасини билдирмай олиб қўяди. Кейин яна ўзини ДХХ ходими сифатида таништириб, ана шу гувоҳномани гаровда қолдириб, Китоб туманидаги "Омад сервис қурилиш" масъулияти чекланган жамиятига қарашли савдо дўкони сотувчиси Сардорбек Хайруллаевдан 1.600.000 сўмлик турли эркаклар кийим-кечакларини олиб кетади.

— Шоҳимардон бизнинг хизматга ишга киряпти. Отасининг мендан қарзи бор. Шунинг учун беш-олти кунда бир миллион олти юз минг сўм ёки уч юз доллар бериб, сиздан ҳарбий билетини қайтариб олади. Бўлмаса, ўзим ойлигимдан тўлайман, — деб қўшиб қўяди кетаётиб.

Аммо айтилган муддатда Ш.Худойқулов ҳам, ўзи ҳам келмайди. Бинобарин, орадан 40 кун ўтгач, С.Хайруллаев ҳарбий гувоҳнома эгасини телефон орқали қидириб топади ва дўконига чақиртиради. Бироқ дўкондорнинг гапини эшитиб, Шоҳимардон тутақиб кетади. Сўнгра Фаррухдан ҳеч қандай қарзи йўқлигини, аксинча, у ҳарбий гувоҳномасини ўғирлаб кетганлигини билдириб, ҳужжатини қайтариб олади. Шу боис Сардорбек мазкур ҳолат юзасидан ДХХ Шаҳрисабз шаҳар бўлимига ариза билан мурожаат қилади.

Лекин "қаҳрамон"имизнинг қилмишлари шу билан якун топмайди. Аксинча, у жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2020 йилнинг апрель ойида Касби тумани Чулқувар қишлоғида яшовчи Ҳумоюн Эватовни ҳам чув туширади. Маълум бўлишича, Ф.Оқилов Ҳумоюн билан 2020 йил 22 апрель куни — тоғаси Орифжон Ботировнинг туғилган кунида танишади. Ўзини ДХХ ходими деб таништирар экан, Фаррух Ҳ.Эватовни сафарбарлик чақирув резервига — 1 ойлик ҳарбий хизматга юбориши ҳақида қуюқ ваъда беради. Фақат бунинг учун йигитнинг фуқаролик паспорти ва шартнома тўлови учун 4.500.000 сўм беришни айтади. Натижада соддадил тоға шу куниёқ унга 1.500.000 сўм, эртаси куни эса 3.000.000 сўм беради. Лекин ҳарбий хизмат Ҳумоюнга насиб этмайди. Боиси, фирибгар олган пулларини ўз ҳамёнига уради. Бу ҳам етмагандек, Ҳ.Эватовнинг фуқаролик паспортини йўқотиб юборади.

Фаррух Оқилов ҳатто ўзи ейдиган гўштнинг пулини ҳам бермай фирибгарлик қилади.

— Чегара қўшинлари хизматига бошлиқ бўлиб келдим. Ака-ука бўлиб кетамиз насиб қилса. Шунинг учун менга бир ярим-икки кило гўшт берсангиз. Ойлик олишим заҳотиёқ пулини бериб кетаман, — дейди Нишон туман деҳқон бозорида гўшт сотувчи Акмал Чориевга.

Шунга кўра, қассоб йигит 2020 йил 9 май куни унга 70.000 сўмлик гўшт тортиб беради. 2020 йил 13 май куни эса, Фаррух А.Чориевдан 400 АҚШ доллари миқдорида қарз сўрайди. Аммо пул ундиролмайди. Бинобарин, Акмалжонни авраб, яна 100.000 сўмлик гўшт олиб кетади. Бироқ гўштнинг пули "туя гўшти ейди".

Хуллас, шу тариқа фирибгар Нишон туманидаги озиқ-овқат дўкони сотувчиси Дилноза Дўстқобиловани 3.000.000 сўм, деҳқон бозори сотувчиси Салимжон Юлдашевни 535.000 сўм, туманнинг Байналминал маҳалласида яшовчи фуқаро Ҳафиза Собировани 1.000.000 сўм, киракаш ҳайдовчи Омон Ҳамроевни 120.000 сўмга чув туширади. Бундан ташқари ўзини ДХХ ходими сифатида таништириш ва шу орқали ўзгаларнинг ишончига кириш учун ҳарбий кийим сотиб олиб, хизмат гувоҳномасини сохталаштиради. Оддий фуқароларни қўя турайлик, ҳатто у Нишон туман ИИБ профилактика инспектори Ж.Омоновга ҳам ўзини ДХХ ходими сифатида таништиради.

— Бошлиғимиз сизларга нисбатан маълумот йиғишни топширганди. Лекин мен сизлар учун эркакчилик қилиб, унинг топшириғини бажармадим. Шунинг учун Нишон туман бўлимидан чегарага ўтиб кетдим, — деб аввалига унга нисбатан товламачилик қилмоқчи бўлади. Ҳушёр инспектор эса, турли баҳоналар билан тутқич бермайди. Бинобарин, сохта ходим кейинги галда қарз сўрашга ўтади. Лекин барибир ниятига етолмайди. Энг муҳими, жабрланувчиларнинг мурожаати, кўрсатмаси ҳамда бошқа тезкор хабарлар асосида Ф.Оқилов қўлга олинади. Оқибатда унга нисбатан жиноят иши қўзғатилади.

Ҳужжатларнинг судга оид техник-криминалистик экспертизасининг 2020 йил 10 июндаги хулосасида фирибгар томонидан хизмат гувоҳномасининг ички қисми ва ёзувлари рангли пуркагичли принтер ёрдамида тайёрлангани қайд этилган.




*аниқ далиллар билан қўлга тушди*

Қисқаси, фирибгар Ф.Оқилов жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз шаҳар судининг шу йил 3 сентябрдаги ҳукмига биноан, Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б"-банди, 227-моддаси 2-қисми "а"-банди, 228-моддаси 1-қисми ва 3-қисми билан айбдор деб топилиб, узил-кесил 7 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Қолаверса, айбдордан жабрланувчиларга етказилган 29.351.500 сўмлик зарарни ундириш ҳам белгиланади. Дарвоқе, "қаҳрамон"имиз фақатгина ДХХ Шаҳрисабз шаҳар бўлимига мурожаат қилган жабрланувчи Сардорбек Хайруллаевга етказган 1.600.000 сўм зарарини қоплаган, холос.

Хулоса ўрнида айтар сўзимиз шуки, ҳамюртларимиз ким нима деса, ишонавермасдан, аввал сўраб-суриштиришса, Ф.Оқилов сингари шубҳали ва сохта ходимлар хусусида эса, ўз вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга хабар беришса, мақсадга мувофиқ бўларди. Балки шунда юз бераждак жиноятларнинг олди олинардими?!

**Лазиза РАСУЛОВА,**
*жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз шаҳар судининг раиси*

*Бухоролик Зубайда Ғуломова (исм-шарифлар ўзгартирилган) бундан 3 йил аввал — 2017 йилнинг август ойида Бухоро шаҳридаги "Дархан" қаҳвахонасида хизмат қилувчи Сурайё Сафоқулова билан танишган пайтида вақти келиб, шу қиз ўзининг одам савдоси қурбонига айланишига сабабчи бўлишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Эртага нима бўлишини, келажакда ўзини қандай савдолар кутаётганини ҳеч ким билмас экан-да.*

*Турмуш чорраҳаларида*

# Дубайга борган Зубайда




Гап шундаки, З.Ғуломова С.Сафоқулова билан танишгач, уларнинг ўзаро муносабати қуюқлашиб кетади. Натижада Зубайда Сурайёнинг уйига меҳмонга бориб юрган кезларида телефон ва телеграм ижтимоий тармоғи орқали унинг эгизак опаси Муҳайё билан ҳам танишади. Шунда у М.Сафоқулованинг Бирлашган араб амирликларининг Шаржа шаҳрида ишлаб, яхши пул топаётганидан хабар топади.

Шу ўринда Муҳайё ҳақида икки оғиз сўз. Болалигидан бироз эркароқ улғайган М.Сафоқулова турмуш ёшига етгунча анчагина "тантиқ" қизга айланади. Бу эса, кейинчалик ўз "меваси"ни беради, албатта.

Яъни Муҳайё 23 ёшида — 2017 йил 21 июнь куни амалдаги қонун-қоидаларга риоя қилмай, белгиланган чет элга чиқиш тартибини бузган ҳолда Тошкентдан Украина пойтахти Киевга, у ердан эса, Бирлашган араб амирликларига боради. Сўнгра Шаржа шаҳрида тубан иш билан шуғуллана бошлайди.

— Агар сиз ҳам келсангиз, ишингиз юришиб кетади, — дея З.Ғуломовани ўз ёнига чорлайди М.Сафоқулова танишувдан кейинги суҳбатларнинг бирида.

— Майлику-я, лекин ҳозир фарзандимни боқишга ҳам қийналяпман. Сизнинг олдингизга боришга эса, умуман пулим йўқ, — дейди Зубайда нолиб.

Бу жавоб эса, Муҳайёга жуда қўл келади.

— Келишингизга ўзим ёрдам бераман. Кейин ишлаб, қарзингизни узаверасиз.

У шундай деб телеграм ижтимоий тармоғи орқали З.Ғуломованинг фуқаролик паспорти нусхасини олиб, 350 АҚШ доллари миқдорида пул юборади. Қолаверса, бўлажак "ўлжа"сига айланма йўллар орқали етиб келишни ҳам тушунтиради.

Шундан сўнг Сурайё 2018 йил 31 январь куни Зубайдани Тошкентдан Киевга кузатиб қўяди. "Киев-Дубай" йўналишидаги авиарейсда учиб келган З.Ғуломовани Дубай аэропортида Муҳайё кутиб олади.

— Бугун яхшилаб дам олинг. Эртадан ишга тушаверасиз, — дейди у "меҳмон"ни Абу-Даби шаҳридаги ўзи яшаётган хонадонга олиб бориб жойлаштиргач.

Эртаси куни М.Сафоқулова Зубайдага ўзининг эркаклар эътиборини тортадиган кўйлакларини бериб, кийинтиради. Шунингдек, қош-кўзларини бўяб, унга оро беради. Кейин Абу-Даби шаҳридаги меҳмонхона ва тунги клубга олиб бориб, тубан иш билан шуғулланишга мажбурлайди. Қолаверса, унинг етиб келиши учун 2500 доллар сарфлаганини билдириб, шунча пул топишини айтади.

— Нега бунча ишлашим керак? Ахир, йўл кира харажатларига шунча пул кетмади-ку? — деб сўрайди З.Ғуломова ҳайрон бўлиб.

— Ишлаб беришга мажбурсиз. Йўқ десангиз, полицияга топшириб юбораман, — дея уни қўрқитади Муҳайё.

Шу тариқа М.Сафоқулова тунги клублардан Зубайдага мижоз қидириб топиб, пулларини ўзи ола бошлайди. Лекин бу ҳолатдан қанчалик ғашланмасин, З.Ғуломова чидашга мажбур эди.

Аммо орадан, тахминан, бир ой ўтгач, аниқроғи, 2018 йил 23 февраль куни Муҳайё уйда йўқ эканидан фойдаланиб, қочишга муваффақ бўлади. Сўнг "Шаржа-Тошкент" йўналишидаги авиарейсга чипта олиб, юртимизга қайтиб келади.

Тошкент халқаро аэропортида чегара назоратидан ўтаётган вақтида унинг мамлакатимиздан ноқонуний равишда хорижга чиққани аниқланади. Чегара назорати ходимлари томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Шундан сўнг З.Ғуломова М.Сафоқуловага қонуний чора кўришларини сўраб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ариза билан мурожаат қилади. Оқибатда айбдорга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, қидирув эълон қилинади.

Албатта, қидирув жараёнида ИИБ тезкор ходимлари бир неча маротаба уни суриштириб уйига боришади. Шу боис Муҳайё яқинларининг чақирувига биноан, 2020 йил 12 март куни "Дубай-Тошкент" йўналишидаги авиарейсда республикамизга қайтади. Натижада пойтахт аэропортида қўлга олинади.

Жиноят ишлари бўйича Сирғали туман суди М.Сафоқуловани Жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисми "з"-банди, 223-моддаси 2-қисми "б", "в"-бандлари билан айбдор деб топиб, 5 йилу 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этди.

Бироқ судланувчининг аёл киши эканлиги, муқаддам судланмаганлиги, қарамоғида бир нафар вояга етмаган фарзанди борлиги ҳамда Қоракўл тумани "Бандбоши" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг кафолат хати инобатга олиниб, Жиноят кодексининг 72-моддасига биноан, шартли ҳукм қилган ҳолда, 2 йил синов муддати белгиланди.

Ажабмаски, "қаҳрамон"имиз энди қилмишидан ўзига тўғри хулоса чиқарса. Зеро, қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан сўнг ҳам чиқишини ва жиноятга албатта, жазо муқаррарлигини унутмаслик керак.

**Баҳодир ЮСУПОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Сирғали тумани судининг судьяси*

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Икрам МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Светлана АРТИКОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Нодирбек САЛАЕВ
Замира ЭСОНОВА
Олим ҲАЙИТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-1023. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 5010
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22.00. Топширилди: 22.45.